Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№27-28 (376-377)
2020 йил 14 апрель, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 апрель куни Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбатда давлат раҳбарлари анъанавий дўстона ва самимий руҳдаги икки томонлама алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни, биринчи навбатда савдо-иқтисодий соҳада кенгайтиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар ҳамда айрим минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашишда ҳамкорликни давом эттириш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти пандемияга қарши курашда кўрсатилаётган амалий кўмак учун Мун Чже Инга самимий миннатдорлик билдирди. Хусусан, март ойининг охиридан мамлакатимизда кореялик профессор – эпидемиолог мутахассис фаол ишламоқда, билим ва кўникмалари билан ўртоқлашмоқда. Шу ойда мазкур диёрдан юртимизга яна бир тажрибали мутахассис – анестезиолог-реаниматологнинг келиши кутилмоқда. Фуқароларимизни эвакуация қилиш ва зарур тиббиёт воситалари етказиш учун чартер рейслар ташкил этилди.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга ҳамда Ўзбекистонда Корея тиббиётининг, жумладан, карантин тадбирларини ташкил этиш, касалликларни аниқлаш ва даволаш, реабилитация тадбирларини ўтказиш, тиббий кадрлар малакасини ошириш борасидаги илғор тажрибасини самарали жорий этишга қатъий интилишларини қайд этдилар.

Икки давлат соғлиқни сақлаш вазирликлари ва етакчи тиббиёт марказлари ўртасида саъй-ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш ва тезкор ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Мулоқотда Президентлар мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва илмий-инновацион ҳамкорликда эришилган суръатларни сақлаб қолиш масалаларига батафсил тўхталдилар.

Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари иштирокидаги устувор инвестиция лойиҳалари ҳамда ушбу мамлакат Эксимбанки ва «EDCF» жамғармаси иштирокидаги ижтимоий аҳамиятга эга дастурларнинг амалга оширилиши таҳлил қилинди.

Савдо ҳажми ва қўшма корхоналар сони сезиларли даражада ортгани мамнуният билан қайд этилиб, бу ишбилармон доираларнинг ўзаро қизиқиши кучайиб бораётганидан далолат экани ҳақида якдил фикр билдирилди.

Ўтган йил апрель ойида мамлакатимизга амалга оширилган олий даражадаги ташриф чоғида эришилган келишувларни тўлиқ амалга ошириш ҳамда Сеулда бўлажак учрашувга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳукуматлари даражасида фаол мулоқотлар ва алмашинувларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Телефон мулоқоти якунида Президент Мун Чже Ин Корея Республикаси биродар Ўзбекистонга бугун долзарб бўлиб турган қийинчиликлар ва замонавий хатарларни тез фурсатларда енгиб ўтишда барча зарур ёрдам ва кўмакни кўрсатишга тайёр эканини яна бир бор билдирди.

**ЎзА.**

## БУГУНГИ СОНДА:




Яна бир глобал иқтисодий инқироз эшик қоқмоқда 2



ПРОПИСКА ТИЗИМИ мамлакат тараққиётига қай даражада таъсир кўрсатади? 3



Қурилиш объектлари учун тендер савдолари 4-7


ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТИДАН РЕПОРТАЖ

# Бир тану бир жонмиз бу дам...

**Дунёга назар ташлайдиган бўлсак, коронавирусга қарши курашда касалхоналарни тезлик билан қуриш тажрибаси кўпчилик давлатлар мисолида ўзини оқлади.**









Мамлакатимизда ҳам коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва самарали даволаш чораларини кучайтириш мақсадида қисқа фурсатларда қатор шифохоналарни барпо этиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Ана шундай йирик муассаса Зангиота туманида бунёд этилмоқда. Шу кунларда ушбу ер майдонида ўн минг ўринли шифохона қурилиши жадал давом этмоқда. Фурсат кам, вазифани эса уддалаш керак. Лойиҳалаш сингари мураккаб жараён ҳам кўпга чўзилгани йўқ. Лойиҳалар 3 кунда тайёр бўлди. Ушбу янги тиббиёт муссасасининг биринчи босқичи яқин фурсатларда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган.

Куни кеча ушбу қурилиш объектида бўлганимизда бу ердаги иш кўламини кўриб, меҳнат қилаётган барча ишчи-хизматчиларга таҳсинлар айтдик. Мазкур касалхона қурилишида «Ўзтемирйўлқурилиш монтаж» унитар корхонаси ва «Enter Engineering» компанияси бош пудратчи, «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ, «Тиблойиҳа» ва «Узпромхолод» лойиҳа ташкилотлари асосий лойиҳачилар сифатида иштирок этишмоқда. Зангиота туманидан ажратилган 136 гектар ер майдонининг 44 гектаридан ўрин оладиган касалхона билан бирга бу ерда 13,6 гектар йўл инфратузилмаси бунёд этилиб, 34,4 гектарлик ҳудудни ободонлаштириш кўзда тутилган.

*(Давоми 8-бетда)*

ФАРМОН ВА ИЖРО

# «Тахиатош ИЭС»: Ўзбекистон иқтисодиётига ўз улушини қўшади

**Мамлакатимизда тождор вирус билан курашиш бўйича қатор чоралар кўрилмоқда. Шундай вазиятга қарамасдан, республикамиз ҳудудларидаги корхоналар ўз фаолиятини давом эттирмоқда.**

**Қорақалпоғистон Республикасидаги «Тахиатош ИЭС» акциядорлик жамияти ҳам карантин ҳолатида барча зарур талаблар асосида аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.**

**«Тахиатош ИЭС» акциядорлик жамияти бош директори Фахриддин ХАЛИЛАЕВ ЎзА мухбири Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВАга корхонада ташкил этилган бу борадаги тартиб-талаблар хусусида сўзлаб берди:**

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 19 мартда «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Унга кўра, саноат корхоналарининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари ижросини батафсил муҳокама қилиш ҳамда уларнинг натижаларига кўра юзага келадиган масала ва муаммоларни бартараф этиш белгиланган.

Шу талаблар асосида «Тахиатош ИЭС» акциядорлик жамиятида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш, гигиеник-санитария ҳолатини янада яхшилаш, касалликка шубҳа қилинган шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва касаллик тарқалиши олдини олиш мақсадида корхонадаги назорат ўтиш жойларида қатъий назорат ўрнатилган хамда корхона объектларида мунтазам дезинфекциялаш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, карантин вақтида фуқароларга ноқулайликлар туғдирмаслик мақсадида аҳоли ва саноат корхонларини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш бўйича ҳам чоралар кўрилмоқда.

Қуввати 630 МВт бўлган «Тахиатош ИЭС» АЖ йилига 3 миллиард кВт.соатдан ортиқ электр энергия ишлаб чиқаради. У Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини узлуксиз электр энергия билан таъминлайди.

Корхонада 800 нафардан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилади. Жамоанинг асосий мақсади ҳам мавжуд вазиятга қарамасдан ишни давом эттириш ва Ўзбекистон иқтисодиётига ўз улушини қўшишдир. Улар карантин қоидаларига риоя килган ҳолда ўз иш жойида шахсий ҳимоя воситалари (ниқоб)да иш олиб бормоқда. Мавжуд ҳолатдан келиб, корхонанинг оператив ходимлар иш режими 2020 йил 6 апрелдан бошлаб тасдиқланган график асосида 12 соатлик иш режимига ўтказилди. Станция ҳудудига кириб чиқувчи шахсларни мумкин қадар қисқартириш ва бунинг натижасида касаллик тарқалиши хавфини камайтириш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартиблар жорий этилган. Унга мувофиқ, цех ва бўлимларнинг асосий иш фаолиятига таъсир этмаган ҳолда 270 ишчи-ходимни меҳнат таътилига чиқариш ҳамда айримларини масофавий иш жараёнига ўтказиш амалга оширилди. Ишлаб чиқариш бўйича зарур бўлган масалалар мумкин қадар масофадан туриб, телефон алоқаси ва интернет тизими орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Гарчи, карантин бизни эҳтиёткорликка ундаган бўлса-да, иш унумимизга сира таъсир қилгани йўқ. Боиси, биз аввалгидек бир маромда ва режа бўйича ишларимизни давом эттирмоқдамиз. Бундан бир неча кун олдин Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаш мақсадида 3 апрель куни «Тахиатош ИЭС»да янги 280 МВт қувватдаги дастлабки буғ-газ комбинацияланган цикл ишлаб чиқариш қурилмаси ишга туширилди. Иккинчи буғ-газ қурилмаси бўйича ишлар режа асосида давом эттирилмоқда.

Мазкур йирик инвестицион лойиҳа мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Тахиатош ИЭСда 230-280 МВт қувватга эга иккита буғ-газ қурилмаларини қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бажарилмоқда. Лойиҳа замонавий илғор технологиялар асосида Жанубий Кореянинг «Hyundai Engineering» ва «Hyundai Engineering & Construction» компаниялари консорциуми билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№27-28 (376-377) 2020 йил 14 апрель

# ЯНА БИР ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

**2008 йил ва 2020 йилги глобал молиявий ҳамда иқтисодий инқирозларнинг кўлами қандай? Кўрилаётган чоралар қанчалик мутаносиб? Дастлабки таҳлиллар ва мулоҳазалар.**



## КОРОНАВИРУС ВА ИЛМУ МАЪРИФАТ ТЎҚНАШУВИ

Ҳар тўрт йилда бир такрорланиб, бир кунга узунроқ бўлган, бу сафар чиройли рақамлар узра тизилган 2020 кабиса йилига жуда катта орзу ва режалар билан кириб келдик. Ўзбекистонда унга «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» дея ном берилди. Бинобарин, у юртимизда иқтисодиётни илм-фанга асосланган инновацион ривожлантириш ва рақамли технологияларни кенг жорий этишнинг мустаҳкам қадами қўйиладиган буюк довоннинг бошланиши сифатида барчамизни руҳлантирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилга ана шундай ном беришни таклиф қилганида, менимча, мамлакат ва миллатни кутаётган яна бир катта синов борлиги, ундан муносиб ўтишда мана шундай йўл лозимлигини кўрсатгандек туюлади. Буни тушуниб етиш учун узоққа бориш шарт эмас: коронавирус балоси, бир томондан, дунёнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистонда ҳам илму фан ва маърифатга бўлган эҳтиёж қанчалар юксак экани, бунга ҳали жудаям кўп эътибор бериш, узлуксиз инвестиция киритиш лозимлигини кўрсатган бўлса, иккинчи томондан, бу бало ҳаммани ўз уйида қолдирди ва бундан кейин рақамли технологияларсиз яшаш мумкин эмаслигини исботлади.

Ҳеч бир муболағасиз, 2020 йил нафақат мустақил мамлакатимиз, балки бутун дунё тарихида ўчмас из қолдирадиган, нафақат жаҳон иқтисодиётини, балки инсониятнинг яшаш тарзини мутлақо ўзгартириб юбораётган муҳим жараёнларнинг ибтидоси бўлиб қолади.

## АВВАЛ НЕФТЬ НАРХИ, КЕЙИН COVID-19 БАЛОСИ...

Хабарингиз бор, 2019 йилнинг охирида Саудия Арабистони ва Россия Федерацияси ОПЕК+ форматида нефтнинг нархи ва уни қазиб олиш ҳажми борасида келиша олмагани билан халқаро товар бозорида инқироз юзага келди. 2020 йил аввалида эса Хитойда коронавирус эпидемияси авж олди. Шу икки йирик муаммо биргаликда мисли кўрилмаган глобал рецессияга замин яратмоқда. АҚШ ва Европанинг йирик оммавий ахборот воситаларида эса шу мавзуга бағишланган маълумотлар ва таҳлиллар тинимсиз бериб борилаяпти.

Маълумки, «дунё фабрикаси» дея ном олган Хитойдек мамлакатда иккинчи глобал иқтисодиётнинг тўхташи жаҳон бозорида талабнинг кескин тушиб кетишига олиб келди. Оқибатда ХХР иқтисодиёти билан ўзаро ҳамкорликда боғланган барча давлатларда ҳам иқтисодий нисбатлар тарозиси аста-секин иқтисодий турғунлик ҳудудига кира бошлади.

## «ДУНЁ ФАБРИКАСИ» ҚАЙТА ОЧИЛДИ, АММО «ЖАҲОН ДЎКОНЛАРИ» ЁПИЛЯПТИ

Гарчи бугун Чин ўлкаси иқтисодиёти қайта оёққа тураётган бўлса-да, аммо АҚШ ва Европадек «жаҳон дўконлари» ёпилмоқда. Глобал майдонда халқаро транспорт ва туризм тармоқлари деярли тўхтади. Океан орти ва кўҳна қитъада автомобиль сотиш ҳажми 75-80 фоизга тушиб кетди. Умумий овқатланиш тизими тўла карантин режимига ўтди. Аксарият корхоналарда масофадан туриб ишлаш тизими жорий этилди. Умуман олганда, ҳали жаҳон бозорида ялпи тушкунлик қайд этилмаган бўлса ҳам, бугун барчамиз глобал иқтисодиётнинг аксарият тармоқлари ва соҳаларининг янги инқироз палласига кираётганини кузатиб турибмиз.

Шу пайтгача жаҳон иқтисодиётининг охирги 75 йиллик ривожланиш даврида энг катта таҳликали воқелик сифатида биз 2008 йили бошланган глобал молиявий инқирозни эслар эдик. Ўша даврда жаҳон молиявий бозорларидаги беқарорлик анча кескин тус олганди. Хусусан, АҚШ фонд бозорларида индекслар бир кунда 83 фоизгача тушиб кетган, нефтнинг нархи 140 доллардан 30 долларга «қулаган» эди.

2020 йилда бошланаётган инқироз эса ўз кўлами ва шиддатига кўра, янада хавфли кўриниш олиши мумкин. Бугун дунё мамлакатлари ишчилари ва хизматчиларининг 81 фоизи карантинда эканлиги фикримизга яққол далилдир.

Келинг, қиёсий таҳлил қилиб кўрамиз. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози даврида АҚШ ҳукумати «Полсон режаси» номи билан таниш бўлган йирик банк-молия институтлари ва компанияларни қўллаб-қувватлаш учун 750 миллиард доллар миқдоридаги дастлабки дастурни эълон қилди. Бу ўша пайтдаги мазкур биринчи иқтисодиёт ЯИМнинг 5,2 фоизига тенг эди.

2020 йилда эса Президент Дональд Трамп АҚШ тарихида мисли кўрилмаган иқтисодий ёрдам ва рағбатлантириш ташаббуси – 2,2 триллион доллар ҳажмидаги (ЯИМга нисбатан қарийб 10,3 фоиз) ижтимоий-иқтисодий дастурининг қабул қилинишига эришди. Бу маблағ 2008 йилги инқирозга қарши дастурдан икки марта кўпроқ эканининг ўзиёқ эшик қоқиб келаётган хатарнинг нақадар жиддийлигидан далолат беради. Жаҳон савдо ташкилоти халқаро савдо ҳажми, ҳатто 32 фоизга қадар тушиб кетиши мумкинлигини башорат қилаяпти. «Блумберг» ахборот агентлигининг дастлабки таҳлилларига кўра, жаҳон иқтисодиёти ушбу инқироздан 5 триллион долларга яқин зарар кўриши мумкин. АҚШ, Германия ва Франция каби йирик иқтисодиётларда иккинчи чоракдан бошлаб жиддий иқтисодий йўқотишлар башорат қилинмоқда. «Вашингтон пост» газетасида ёзилишича, АҚШда жорий чоракда ишсизлик 30 фоизга қадар кўтарилиши мумкин.

Европада иқтисодий хавфнинг янада кучлилигига муносиб равишда Европа Марказий банкининг 750 миллиард евро ҳажмидаги муаммоли активларни сотиб олишдек иқтисодий рағбатлантириш дастури, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания ва Европадаги бошқа мамлакатлар инқирозга қарши ташаббуслари ҳамоҳанг янграй бошлади. Биргина Франция ёки Италиянинг ўзида қарийб 250 миллиард еврога тенг иқтисодий дастурлар тўғрисида фикр юритилмоқда. Бу рўйхатни Хитой, Жанубий Корея, Япония ва Жануби-Шарқий Осиёнинг қолган давлатлари, шунингдек, халқаро молиявий институтларнинг жаҳон иқтисодиёти, хусусан, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш лойиҳалари билан яна давом эттириш мумкин.

## 2008 ЙИЛДА 3 ОЙ КЕЙИН, 2020 ЙИЛДА ЎЗ ВАҚТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Хўш, 2020 йилда бошланаётган глобал иқтисодий инқироз 2008 йилдагисидан нимаси билан фарқ қилади?

У бир томондан, АҚШ ва Европа Иттифоқи ўртасида, иккинчи томондан эса Европа Иттифоқи аъзолари ичида жиддий инқироз даврида келиша олмаслик муаммоси мавжудлигини намойиш этаяпти. Бундан ташқари, АҚШ, Европа Иттифоқи, Россия ва Хитой глобал тўртлиги орасида ҳам айрим жиддий мунозаралар кўтарилиш эҳтимоли глобал иқтисодий инқирозга янада салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Энг муҳими шундаки, бу сафар эшик қоқиб келаётган глобал инқирознинг нафақат Ўзбекистон учун ҳам хавфлилиги тан олинаяпти, балки унга қарши мутаносиб ва тезкор чоралар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, 2008 йилги глобал молиявий инқирозга қарши чоралар кўриш хавф бошланганидан кейин 3 ой ўтиб эълон қилинган бўлса, (инқироз 2008 йил августда бошланган эди, унга қарши дастлабки дастур 18 ноябрда қабул қилинган), 2020 йилги глобал инқирозга қарши чоралар ниҳоятда тезлик билан, глобал хавф эълон қилиниши билан атиги 1 ҳафтада (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти коронавирус пандемиясини 11 мартда эълон қилган бўлса, Ўзбекистонда унга қарши дастур 19 мартда қабул қилинди. Бундай хавф туғилиши ва унга қарши тайёргарлик кўриш лозимлиги эса 29 январдан бошланган эди, яъни аксарият ривожланган давлатлардан қарийб 2 ой олдин) тайёрланиб, аҳоли орасида ва иқтисодиётда саросиманинг олдини олишга мустаҳкам замин яратилди.

## ЭСКИ ВА ЯНГИ ДАСТУР: ФАРҚ НИМАДА?

Бундан ташқари, ушбу дастурларни қиёсий таққослаш 2008 йилдагидан тубдан фарқли равишда, 2020 йилда Ўзбекистон глобал иқтисодий инқирозга ниҳоятда кенг қамров ва кўламда ҳамда нафақат иқтисодий, балки энг аввало, ҳар бир оила ва инсоннинг хотиржамлиги омилини бош устувор масала сифатида қабул қилиб, жуда жиддий тайёргарлик кўраётганидан далолат беради. Масалан, 2008 йилги иқтисодий дастурда экспортни қўллаб-қувватлаш, банк тизимининг барқарорлигини сақлаб қолиш ҳамда ишлаб чиқаришда иш жойлари қисқариб кетмаслигига эътибор қаратилган эди. 2020 йилда бошланаётган глобал инқирозга қарши иқтисодий дастур марказидан эса меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришдан вақтинча ажратилган бўлишига қарамасдан, аввало, аҳолининг саломатлиги ва ижтимоий таъминоти, кичик ва ўрта бизнесни асраб-авайлаш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлари учун инвестиция, кредит ва солиқ имтиёзларининг берилишидек стратегик мақсадлар жой олди. Зеро, Президентимизнинг иқтисодий дастуридаги бош мезон бу инсон омилидир. Хусусан, аҳолининг кам таъминланган қисмини давлат томонидан жиддий ижтимоий муҳофаза қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқариш ва экспорт суръатлари пасайиб кетишига йўл қўймаслик энг асосий тамойиллар этиб белгиланганини диққатга сазовордир. Энг муҳими, 2020 йилги инқирозга қарши чора-тадбирлар манзилли, уларни молиялаштириш манбалари ўта аниқ ва фақат реал, мавжуд ресурсларга асосланган бўлиб, мавҳум ташқи омиллардан ёрдамни кутмаганлиги билан ажралиб турибди.

## АДЕКВАТ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ЭЪТИРОФИ

Ўйлаймизки, бугунги шиддатли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларни кузатаётган фаол ўқувчилар Ўзбекистон лидери ва ҳукумати томонидан кўрилаётган инқирозга қарши адекват чора-тадбирларнинг моҳияти, кўлами ва аниқ рақамлари билан танишиб келмоқдалар. Бу борада кенг аҳоли орасида, хусусан, телевидение ва интернет каналлари орқали берилаётган тушунтириш ишларининг аҳамияти беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан олиб борилаётган ишларнинг ўз вақтида ва кириб келаётган хавфга мутаносиб эканлигини бугун ҳамма, хорижда ҳам, йирик давлатлар ва халқаро ташкилотлар, мамлакат ичкарисида ҳам, аҳолининг барча қатламлари, жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳам эътироф этмоқда.

## ТАНАЗЗУЛ ҚАРШИСИДА ДАВЛАТНИНГ ЎЗИ ЯККАЛАНИБ ҚОЛМАЙДИМИ?

Ўз-ўзидан табиий савол туғилади: шаклланаётган глобал инқирознинг кўламини бугун жаҳон ҳамжамияти тўла баҳолай олаяптими? Менимча, йўқ. Шундай экан, кўрилаётган чора-тадбирлар олдимизда турган хавф-хатарга муносиб жавоб бера олишини аниқлаб олиш долзарб. Аниқроқ айтганда, «Иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш, хусусан, ривожланиш палласига ўтаётган кичик ва ўрта бизнесни ҳимоялаш ва асраб қолиш, шунингдек, аҳолининг камбағал ва кам таъминланган қисмини ижтимоий қўллаб-қувватлашдек ўта шиддатли фронтда давлатнинг ўзи яккаланиб қолмайдими?» деган кун тартибидаги саволга оқилона жавоб топиш керак.

Бинобарин, глобал инқирозга, глобал иқтисодий хавфга бугун биз ягона фронт бўлиб қарши туришимиз лозим. Модомики, бу сафарги глобал инқирозга аксарият ривожланган мамлакатлар «инсониятнинг бошқа жонзотга қарши уруши» сифатида қараётган эканлар, биз ҳам якдил, бир мақсад сари, давлатнинг раҳнамолиги остида бирлашишимиз талаб этилади. Бунинг яққол мисоли — Америка ва Европа давлатларида душманга қарши кураш учун инсонлар ҳатто энг муҳим, фундаментал демократик тамойиллар ва қадриятларни бир четга йиғиштириб қўйиб, давлат бошчилигида инсоннинг энг биринчи ҳуқуқини, яъни яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун консенсусга келаётганлигидир.

Албатта, Ўзбекистондек ривожланиш босқичига ўта бошлаган иқтисодиётлар учун бундай йирик глобал иқтисодий инқирозларга тўлақонли қарши туришда давлатнинг бир ўзи етарли кучга эга бўлмаслиги мумкин. Эшик очиб кираётган йирик муаммога қарши дастур миқёси, яъни ЯИМга нисбатан ажратилаётган маблағнинг улуши борасида биз аксарият ривожланган давлатларга нисбатан муносиб улушни кўрсатаётган бўлсак-да (дастлабки дастурга мувофиқ ЯИМга нисбатан 2,1 фоиз, жумладан, Европа Иттифоқида ЯИМга нисбатан 2,5 фоизли иқтисодий дастур муҳокама қилинмоқда), аммо ЯИМнинг аҳоли жон бошига кўрсаткичи миқдорини эътиборга олган ҳолда, амалга оширишимиз лозим бўлган ишларимиз ҳали жуда кўп. Шундай экан, бугунги кунда глобал иқтисодий ва бошқа хавфларга қарши кураш борасида ривожланаётган давлатларда, хусусан, республикамизда ҳам фақат Давлат бюджети механизмини етарли дейиш тўғри эмас, деб ўйлайман. Хусусан, глобал иқтисодий инқироз кўлами ва давомийлиги ҳали аниқ баҳоланмаган экан, давлатнинг ресурс имкониятларини тобора мустаҳкамлаш лозимлиги кун тартибида олдинги ўринга чиқади.

Демак, бугун масала бизнинг энг биринчи ҳуқуқимиз – яшаш ҳуқуқимизни таъминлаш тўғрисида кетаётган экан, барчамиз давлат ҳокимиятининг атрофида янада жипслашишимиз, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, имкон қадар кўмак беришимиз, қўлимиздан келса унинг моддий имкониятини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилишимиз лозим. Дунёга таниқли ватандошларимиз хориждан туриб қилаётган беғараз ёрдамлари, саховатпеша, ватанпарвар ва миллатпарвар инсонларимизнинг мамлакат ичида туриб қилаётган ҳомийликлари барчамизни мамнун этаётгани табиийдир. Яқинда ташкил қилинган «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси халқимизнинг нақадар бағрикенг ва халқпарвар эканини яққол кўрсатиб турибди. Айни чоғда бу борада ҳали жуда кўп саховат ва мурувват намунасини намоён этишимиз лозим бўлади.

## БИРОВГА ИЛТИФОТ ҚИЛГАН ХАЛҚ ЭКАНМИЗ, ЎЗИМИЗ УЧУН БУНДАН-ДА БАҒРИКЕНГ БЎЛА ОЛАМИЗ

Биз Шарқ цивилизацияси, Ислом фалсафаси ва Ўрта аср ренессанси дарғаларининг ворисларимиз. Биз давлатнинг, миллатнинг ва халқнинг бошига оғир кун тушганда янада бирлашадиган, жипслашадиган, ўзи емай ўзгага берадиган, ўзи ерда ётиб, меҳмонига етти қават кўрпа ташлайдиган халқмиз, миллатмиз. Бировга шундай илтифот қила олган халқ эканмиз, ўзимизга, ўз миллатимизга, ўз фарзандларимизга ҳам шундай бағрикенглик қила оламиз. Тарихимизни эслайлик: оғир кунларда давлатнинг халқ томонидан, фақатгина айрим кўнгилли вакиллари томонидан эмас, ёппасига моддий қўллаб-қувватланиши мисоллари жудаям кўп. Буни тарихчиларимиз бизга эслатиши керак. Ҳолбуки, бир замонларда бўлгани каби, фарзандларимизни фронтга юбориш талаб этилмаяпти, аксинча биздан фарзандларимизни уйда соғ-саломат олиб ўтириш сўралаяпти, холос.

Менинг фикримча, биз учун бугун глобал иқтисодий хавфга қарши умуммиллий турадиган палла келди. Яъни халқнинг давлатга беғараз кўмаклашиш жамғармалари тўғрисида, лозим бўлса, нонимизнинг ва молимизнинг бир қисмини эл-юрт манфаати, хусусан, аввало, кам таъминланган аҳоли учун улашиш тўғрисида ўйлайдиган вақт ҳозир. Зеро, бу фазилатлар асрлар давомида томирларимизда, қалбларимизда жўш уриб келаётган миллий ва диний қадриятларимиз билан ҳамоҳангдир. Бугун миллат, эл-юрт манфаати ва хавфсизлиги йўлида бутун халқ, ҳар бир ватанпарвар фуқаро имкон қадар давлатни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашини ҳаётий мажбурият деб билиши керак, деб ҳисоблайман.

## СИНОВЛИ КУНЛАР, АЛБАТТА, ЎТИБ КЕТАДИ

Дунёдаги ижтимоий ва иқтисодий вазиятнинг тез ўзгариб бораётгани ҳамда Ўзбекистонда ҳукуматнинг, аввало, аҳолининг кам таъминланган қатлами, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларини эътиборга олган ҳолда, оддий фуқаро ва иқтисодчи олим сифатида, қуйидагиларни таклиф этган бўлардим.

Аввало, давлатга беғараз кўмаклашиш мақсадида барча вазирлик, идора, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг турли даражадаги раҳбар кадрлари, ижтимоий масъулиятли тадбиркорлар ва ташаббускор фуқароларнинг беғараз ҳомийликлари (жумладан, маълум муддатга бериладиган) орқали кичик ва ўрта бизнесга мақсадли равишда фоизсиз кредитлар ажратиш ҳамда уларнинг тижорат банкларидан оладиган кредитлари учун кафиллик беришга кўмаклашувчи жамғарма ташкил этиш лозим.

Айни чоғда аҳолининг кенг қатламлари ва турли бизнес субъектлари томонидан «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасини қўллаб-қувватлаш ишини умуммиллий ҳаракатга айлантириш мақсадида ушбу тадбирларни янада кенгроқ тарғиб қилиш, ушбу жамғарманинг маблағларидан мақсадли фойдаланиш тадбирлари ва уларнинг натижадорлигини аҳоли орасида тез-тез намойиш этиб бориш керак.

Ўз навбатида, иқтисодий ривожланишда талабни шакллантиришнинг энг йирик манбаси сифатида ҳамда камбағал ва кам таъминланган аҳоли ижтимоий таъминотини янада кучайтириш, озиқ-овқат ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида Давлат бюджети харажатларини янада манзиллаштириш ва оптималлаштириш чора-тадбирларини кўриш ҳам муҳим.

Бундан ташқари, озиқ-овқат ва бошқа биринчи даражали истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, хусусан, қишлоқ хўжалиги экинлари экишни ва маҳсулотларини ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга қаратилган турли фаолият турларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш давр талабидир.

Қолаверса, қишлоқ аҳолиси, хусусан, қишлоқда иш билан таъминланмаган ёшларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш тадбирларини янада кучайтириш, бунда қишлоқда туғилиб ўсган ва катта шаҳарларда яшаётган, моддий жиҳатдан етарли имкониятга эга бўлган ижтимоий масъулиятли ва фаол кадрлар, бизнес ва бошқа соҳа вакилларининг шахсий намуналаридан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳозирга кунда Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва ташкилотлари томонидан олиб борилаётган аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектларини иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирлари дунёда кечаётган мураккаб иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга мутаносиб равишда ташкил этилаяпти. Бу борада дунёда кенг тарқалган давлат-хусусий шериклиги, моддий таъминланган аҳолининг ва бизнеснинг ижтимоий масъуллиги тамойилларига асосланган ҳолда давлатга кўмаклашувчи турли ижтимоий ташаббусларга асосланган ғоялар ва лойиҳаларни муҳокамага ташлаш ва амалга ошириш зарурияти ҳам мавжуд бўлиб, бундан кейин унга нисбатан эҳтиёж янада ошиши кутилади.

**Адҳам БЕКМУРОДОВ,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

---

ДИЛ ИЗҲОРИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 8 апрель куни коронавирус пандемиясига қарши курашишда жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

# Эҳтиёткорлик ва масъулият барқарор келажак кафили

Коронавирус пандемияси дунёда энг авж палласига кўтарилмоқда. Кечагина Хитой Халқ Республикасига тикилган нигоҳлар бугун Европа ва АҚШга қаратилган. Кишини ўйлантирадиган жиҳат шуки, маданий даражаси, турмуш шароити ниҳоятда юксак бўлган мамлакатлар энг кўп талафотга учраяпти. Демак, бу ҳолатдан жиддий хулоса чиқаришимиз зарур.

Яратганга шукрки, Ўзбекистон бу вирус олдида эсанкираб қолмади, хотиржамликни сақлади, кераксиз ваҳималарга берилмади. Президент, ҳукумат ва халқнинг бирлиги айнан шу кунларда яққол намоён бўляпти. Аввал бошданоқ Президентимиз айтган, бугун шиорга айланган «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган фикр ўзининг тўла амалий исботини топди.

Бир ёмоннинг бир яхшиси бор, деганидек, бу мушкул синов халқимизни том маънода инсонийлик синовига дучор қилди. Халқимизнинг исломий эътиқоди, миллий-маънавий қадриятлари, кейинги йилларда маънавий-маърифий тарбия борасидаги ишлар ўзининг самарасини кўрсатди. Халқимиз фақат дард туфайлимас, балки дунёқараши ўзгаргани боис ҳам ҳамжиҳатликда ҳаракат қилмоқда.

Бу, жуда қувонарли ҳол. Биз бу касаллик чекиниб, ҳаёт яна изга тушгач янги халқ, янги Ўзбекистон бўлиб қайта туғиламиз, шунда ҳаётдаги барча қадриятларга муносабатимиз бошқачароқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Иқтисодиёт соҳаси, қишлоқ хўжалигида юз берган ислоҳотлар ҳам айнан шу кунларда самарасини беряпти. Озиқ-овқат таъминотида бирор жиддий муаммо чиққанини эшитганимиз йўқ. Аксинча, ҳиммат, саховат тушунчалари бугун одамлар тилида тадбиркорларнинг амалий ишларида яққол кўриняпти. Яна бир қувончли ҳол, бу – китоб ўқишга қайтаётганимиз. Президентимиз китобхонликни давлат сиёсати даражасига кўтарганди. Бу ҳам ўзининг жуда яхши натижасини намоён қиляпти. Каттадан кичиккача китоб ҳаётда нега кераклигини яна ҳис этяпти.

Уй-жойлар ободонлиги, каму кўстга эътибор, оилавий меҳр-оқибат барчаси бугун ҳар бир хонадоннинг асосий машғулоти бўлиб қолди. Маҳалла институтининг ўрни ҳам бугун жуда кучайди. Ёшу қари, барча оила, одамларнинг ҳаммаси маҳалла назорати ва эътиборида. Ташқаридан бирор бегона куч ё ҳодиса маҳалла аҳлига дахл қилолмас даражада мустаҳкам қўрғон барпо бўляпти. Буни бизнинг Исломобод маҳалласи мисолида ҳам кузатиш мумкин. Халқнинг, Президентнинг, ҳукуматнинг бирлиги бизни, албатта, бу мураккаб вазиятдан энг кам талафот билан олиб чиқади. Бунга барчамизнинг ишончимиз комил.

Шу кунларда бутун жаҳон халқига синов бўлиб турган коронавирус пандемияси барчани бирдек огоҳ бўлишга ундаяпти. Юзага келган вазиятдан талафотсиз чиқиш ўзимизнинг қўлимизда. Келган ташвишни итоат ва сабр билан бартараф қилиш, осойишталик ва тартиб-интизомни бош мезон сифатида қабул қилиш ҳозир жуда зарур.

Жойларда кам таъминланган, эҳтиёжманд инсонларга нафақат моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг руҳиятини кўтариш, маънавиятини соғломлаштириш, мадад бериш учун қилинаётган бағрикенглик намуналари таҳсинга сазовор бўлмоқда.

Маҳалладаги барча оилалар карантин даврида, ўз соғлиғини сақлаш мақсадида уйда қолиб, томорқасида меҳнат қилмоқда. Кимдир бепул ниқоб, яна кимлардир озиқ-овқат тарқатиб, яна бошқалар солиҳ дуолари ила қўллаб-қувватламоқда.

**Серикбай УСЕНОВ,**
**Тошкнт шаҳри Юнусобод туманидаги «Исломобод» МФЙ раиси, Ўзбекистон қозоқ миллий маданий маркази раиси.**

# ПРОПИСКА ТИЗИМИ

## мамлакат тараққиётига қай даражада таъсир кўрсатади?

**Жорий йилнинг январь ойида Жаҳон банки тадқиқотчиси Уильям Сеиз томонидан Ўзбекистондаги ички миграция ва арзон уй-жой билан таъминланиш ҳолати бўйича ўтказилган тадқиқот эълон қилинган эди.**

Унга кўра, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг пропискасига ўтиш масаласида қўйилган ҳуқуқий чекловлар Ўзбекистонда ички миграциянинг пастлиги, бу эса мамлакат тараққиётига таъсир этаётгани қайд этилган.

Йирик қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарларга айлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, бугунги урбанизация даражаси шаҳарларни комплекс ривожлантириш бўйича замонавий талабларга жавоб бермайди ва жаҳон тенденцияларидан сезиларли даражада қолиб кетмоқда.

Прописка масаласининг муаммо даражасига чиқишидаги асосий сабаблардан бири ҳам шудир.

### ПРОПИСКА КИМДАН «МЕРОС УДУМ»?

Чор Россияси даврида ҳокимиятнинг, яъни феодал рухсатисиз деҳқонларнинг ер участкасини тарк этишини тақиқлаш, агарда шундай ҳуқуқбузарлик вужудга келса уларни қайси ерга ва кимга тегишли эканини аниқлаш мақсадида ўзига хос прописокалик паспортлар бериш тартиби амалга оширилган. Кейинчалик собиқ иттифоқ даврида бу тартиб ижтимоийлашув ҳолатидаги антидемократик ҳолат, дея бекор қилинган бўлсада, 1933-1935 йилларга келиб, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида яна шунга ўхшаш тизим йўлга қўйилди. Шундан сўнг собиқ совет давлатида паспорт ва пропискаси бор шахслар қатор имтиёзларга эга бўла бошлади, айниқса, агар фуқаро марказ ва аҳоли зич бўлган пунктларда яшаган бўлса, унда қишлоқ ёки чекка ҳудудларда яшовчиларга нисбатан ҳуқуқлар кўпроқ бўлиши белгиланди. Паспорт ва прописка бериш биринчи навбатда Москва ва Петербург шаҳарлари аҳолиси учун қўлланилиб, Чор Россияси давридан қолган зодагон ва қулоқ бўлганлар ҳамда уларнинг оилаларига нисбатан умуман татбиқ этилмасди, уларни иложи борича чеккароқ ҳудудларга жойлаштиришга ҳаракат қилинарди. Паспортсиз ёки рўйхатдан ўтмаган шахс эса давлат берган кўплаб ҳуқуқлардан маҳрум бўлар эди.

Кейинчалик мазкур ҳолат жиноий жавобгарлик масаласигача олиб чиқилиб, ўз ҳудудидан бошқа ҳудудга кўчиб ўтиш учун селсоветнинг алоҳида рухсатномаси, иш жойидан тасдиқловчи ҳужжат ёки ўша кўчиб ўтаётган жойида ўз ер мулкига эгалиги ҳақидаги ҳужжат ва ҳоказолар, қисқа қилиб айтганда бюрократик сарсонгарчиликлар керак бўлар эди.

Кўриб турганингиздек, мазкур масала собиқ иттифоқ давридан «мерос» бўлиб қолган яна бир қонунларга мустаҳкамланган «удум» ёки эскилик сарқити эди.

### БОШҚА ДАВЛАТЛАРДА ПРОПИСКА МАСАЛАСИ ҚАНДАЙ?

Албатта, прописка масаласи кўп давлатларда мавжуд, аммо бу бизнинг тушунчамиздаги айнан пропискани эмас, балки рўйхатдан ўтказишни англатиб, асосан фуқаролик ёки фуқароликка эга бўлмаган шахслар ҳақида маълумотлар мажмуини назарда тутади. Собиқ иттифоқ давлатларининг деярли ҳаммасида прописка режими антиконституцион ҳолат сифатида қайд этилиб, прописка тушунчаси бекор қилинган ва электрон рўйхатдан ўтказиш тизимига ўтилган.

Россияда прописка масаласи 1993 йил 1 октябрда Россия Федерациясининг «Россия Федерацияси фуқароларининг кўчиш эркинлиги, Россия Федерациясида яшаш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган пайтдан бошлаб бекор қилинди.

Москва ва Москва вилоятида «прописка» атамаси 1996 йил 1 январь куни Москва ҳукумати ва Москва вилояти маъмуриятининг 1992 йил 4 февралдаги «Москва ва Москва вилоятида аҳолини рўйхатга олиш ва чиқариб юборишнинг ягона тартиби тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотиши билан муомаладан чиқарилди. Беларусда эса 2008 йил 1 январдан прописка бекор қилинди.

Қозоғистондаги прописка институти рўйхатга олиш институти билан алмаштирилди, фуқароларга турар жой бинолари ва уй-жой учун мослаштирилган биноларда рўйхатдан ўтишга рухсат берилди. Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 2007 йил 17 августдаги «Қозоғистон Республикаси аҳолисини ҳужжатлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига биноан, Қозоғистон фуқаролари иш берувчи орқали ёки адлия органларида рўйхатдан ўтиши ҳам мумкин.

2003 йилда Латвияда «Яшаш жойларини декларациялаштириш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди, унга кўра прописка институти бекор бўлди.

Украинада Конституциявий суднинг 2001 йил 14 ноябрдаги қарори билан прописка масаласи конституцияга зид деб топилди. Қонуний равишда эса прописка Украина Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Украинада юриш эркинлиги ва яшаш жойини эркин танлаш тўғрисида»ги қонуни қабул қилингандан сўнг бекор қилинди.

Бошқа ривожланган давлатларда прописка масаласи фақатгина норезидентларга нисбатан қатъий қўлланилиб, ўз фуқароларига нисбатан турар жой адресини топишда қийинчилик туғдирмаслиги учунгина рўйхатлаштириш ишлари амалга оширилади.

Мисол учун Нидерландия ва Германияда прописка масаласи қатъий масалалардан бири ҳисоблансада, аммо агарда фуқаро бир ҳудудда яшаб туриб, ўзига мос ишни бошқа бир ҳудуддан топган бўлса, фуқаро электрон ёки тўғридан-тўғри тарзда иш жойи жойлашган тегишли ваколатли органга мурожаат қилади, керакли шаблонни тўлдирганидан сўнг уч кун ичида, у иш топган вилоятда рўйхатга ўтказилади. Бунда рўйхатдан чиқариш, қайта рўйхатга олиш, ҳужжатларни солиқ, суғурта ва бошқа ташкилотларга юбориш каби ишлар рўйхатга олувчи томонидан амалга оширилади.

Японияда янги яшаш жойига кўчиб ўтгандан кейин 14 кун ичида рўйхатдан ўтиш ишларини расмийлаштирш тавсия этилади, аммо янги манзилда яшаш муддати бир йилдан кам бўлса ёки янги турар жой вақтинча бўлса ва тез-тез доимий яшаш уйига бориб келса (мавсумда камида бир марта) янги турар жойида рўйхатдан ўтиши шарт эмас. Ушбу норма университетлар ёнида уй-жой ижарага олган талабалар ва пойтахтда истиқомат қилувчи, аммо ўз ватанларига тез-тез ташриф буюрадиган парламент аъзоларини рўйхатдан ўтказишдан озод қилади ҳамда фуқароларга қатор қулайликлар яратади.

### ХЎШ, ПРОПИСКА ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШГА ДОИР ҲУЖЖАТ ҚАБУЛ ҚИЛИНСА НИМАЛАР ЎЗГАРИШИ МУМКИН?

Биринчидан, «прописка» тушунчаси бекор бўлиб, ўрнига «рўйхатдан ўтказиш» тушунчаси киритилади;

*Прописка тизимини ислоҳ қилишга доир Ўзбекистон Республикаси қонуни ва Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳалари муҳокамага қўйилди*

Иккинчидан, Тошкентдан уй сотиб олишдаги «айримлар» учун белгиланган давлат божининг қиммат ставкаси бекор қилинади;

Учинчидан, биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларни нафақат ўзи доимий рўйхатда бўлган манзилга, балки эгалигидаги бошқа уй-жойга ҳам доимий рўйхатга қўйиш ҳуқуқига эга бўлади;

Тўртинчидан, эр-хотиннинг никоҳдан кейин бир йил давомида биргаликда яшаш шарти ва бир йил ичида никоҳ бекор қилинганда прописка йўқотилиши ҳақидаги қоидалар бекор бўлади;

Бешинчидан, илгари Тошкент шаҳри ва вилоятида доимий рўйхатга эга бўлган фуқаролар қайтиб келганда, улар ушбу ҳудудларда ҳеч қандай қўшимча шартларсиз қайта доимий рўйхатга олиниши мумкин бўлади;

Олтинчидан, оилага тарбияга олинган (патронат) шахслар уларнинг тутинган ота-онасининг




доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга туриш имконияти яратилади;

Еттинчидан, вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш муддати уй-жой эгасининг розилиги асосида 5 йилгача узайтирилишиш мумкин бўлади;

Саккизинчидан, фуқароларни Тошкент шаҳри ва вилоятида доимий ва вақтинча рўйхатдан ўтмасдан 15 кун яшаши мумкин бўлади;

Тўққизинчидан, доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтиш муддати 3 кундан 1 кунга қисқартирилади ва фуқаронинг хоҳишига кўра:

ички ишлар органларида;

давлат хизматлари марказларида;

Ягона портал орқали амалга оширилиши мумкин бўлади.

Ўнинчидан, доимий рўйхатни расмийлаштиришда паспорт, уй дафтари ёки хонадон карточкасига штамп босиш амалиётидан воз кечилади ва бу жараён рақамлаштирилади;

Ўн биринчи, доимий рўйхатга олишни расмийлаштиришда аввалги яшаш жойидан мустақил рўйхатдан чиқиш тартиби ҳамда ҳарбий хизматга мажбурларнинг доимий рўйхатга туришдан олдин ва кейин ҳарбий ҳисоб учун мудофаа бўлимларига бориш тартиби бекор қилинади.

Эътибор бераётган бўлсангиз, бугун давлатимизда энг асосий вазифа этиб аҳоли учун энг қулай яшаш шароитини яратиш белгиланган. Барча ислоҳотлар, ресурслар шу вазифани бажаришга йўналтирилган. Юқоридаги ҳужжат ҳам айнан фикримизни исботидир.

Ўйлаймизки, мазкур қонун ҳужжатлари лойиҳаси муҳокамасида барчамиз фаол қатнашиб, ўз фикр ва таклифларимизни билдирамиз. Зеро, амалга оширилаётган ислоҳотларда халқимизнинг фаол иштироки бу ислоҳотларнинг ижобий самарасини таъминлайди.

**Анвар РАҲМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази директори.**

Янгиланаётган Ўзбекистон:

# ФУҚАРО, ПРОПИСКА ВА ҲУҚУҚ

**Маълумки, жорий йилнинг 24 январида Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамият ривожининг барча соҳаларида ечимини кутаётган долзарб масалалар ҳақида тўхталиб ўтди.**

Жумладан, Мурожаатномада фуқаролик ва прописка, давлат грантлари ва олий таълим муассасаларига қабул квоталари, аҳолини касбга йўналтириш, геология, кон-металлургия, қишлоқ хўжалиги, туризм, спорт, экология, коррупцияга қарши курашиш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган бир пайтда шаҳарларни комплекс ривожлантириш бўйича урбанизация даражаси ҳануз пастлигича қолаётгани эътирозга сабаб бўлмоқда. Бу эътироз ҳам ташқи экспертлар ҳамда фуқароларимизнинг ҳақли равишда конституциявий ҳуқуқларига бўлган эътирозидир. Айнан ана шу эътироз замирида прописка муаммоси кўтарилган эди.

Қувонарлиси, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури ижроси юзасидан 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон фуқаролигини автоматик тарзда бериш амалиёти белгиланди. Бу орқали ўз-ўзидан 50 мингга яқин юртдошларимизнинг фуқаролик билан боғлиқ муаммолари ҳал этилади.

Ижтимоий ислоҳотларга эътибор берсак, ҳисоб-китобларга кўра Ўзбекистонда кам таъминланган аҳоли қатлами улуши 12-15 фоиз, яъни 5 миллионга яқин аҳолини ташкил этади. Халқаро экспертлар кўмагида Камбағалликни камайтириш дастури ишлаб чиқилиши баробарида ички миграция, яъни прописка бўйича камчиликлар бартараф этилмас экан, иқтисодий юксалиш даражасига салбий таъсир бўлаверади.

Агар қўшни республикаларга эътибор қаратсак, аҳолининг рўйхатда туриши, ҳудудларда эркин юриши, доимий ёки вақтинчалик пропискада бўлиши масалаларининг ўзига хос томони мавжуд.

Ўзбекистонда бугунги кундаги янги ўзгаришлардан бири бу – прописка қилиш тартибини соддалаштириш масаласи ҳисобланади. Шу боис ҳам прописка тизимини ислоҳ қилишга доир қонун лойиҳаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, халқаро тажрибага асосланган ҳолда лойиҳада «прописка» тушунчаси ўрнига «рўйхатдан ўтказиш» тушунчасини киритиш масаласи ҳамда энг кўп эътирозларга сабаб бўлган Тошкент шаҳри ва вилоятида кўчмас мулкни олишда ушбу ҳудудларда доимий пропискага эга бўлиш ҳамда бирламчи бозордан уй олишда давлат божининг алоҳида ставкасини тўлаш талаби бекор қилинаётгани диққатга сазовордир.

